

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ,
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

9-ИЛ ЧИКИШИ

№ 77 (2110).

18

АПРЕЛЬ
ЧОРШАНБА
1962 ЙИЛ

БАҲОСИ
2 ТИЯН

В Л К С М Х И В С Ъ Е З Д И

ЁШЛАР КОММУНИЗМ ҚУРАДИ ВА КОММУНИЗМ ДАВРИДА ЯШАЙДИ



МОСКВА. ВЛКСМ - XIV съезди. Суратда: съезд президиуми.
В. Егоров ва В. Соболев фотоси.

ТАСС фотохроникаси.

КОМСОМОЛДА ТАШАБУССОРИК, ИШЧАНЛИКНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

Бутуниттифок Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзининг XIV съездида 16 апрелда ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари С. П. Павлов докладыдан сўнг ВЛКСМ Марказий Ревизион Комиссиясининг раиси, Туркменистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари М. Муллаева минбарга чиқди.

Коммунизм, деди у, ҳозирги куннинг амалий вазифаси бўлиб қолди. Партия Программаси, КПСС XXII съезди қарорларидан руҳланган совет ёшлари буюк қуришни ҳар бир соҳасида бутун халқ билан биргаликда фидоорона меҳнат қилиб, инсониятнинг порлоқ истибодини яқинлаштиришмоқдалар.

Ўртоқ Муллаева айтдики, Марказий Ревизион Комиссияси ўз ишчи ВЛКСМ Устави, комсомол XIII съездининг қарорлари асосида ташкил этиб, ВЛКСМ аъзоларини ҳисобга олиш қандай аҳволда эканлигини, Марказий Комитет аппарати, «Комсомольская правда» редакцияси, «Молодая гвардия» нашриёти, ёшларнинг мариявий журналлари редакцияларида хўжиятлар, хатлар, аризалар, қандай ҳал этилаётганини кўзга тутиб қилиб борди. Молия ҳўжалари ва комсомол бюджетига доир масалаларга катта эътибор берилди.

Доклады ВЛКСМ бюджетининг даромадлар қисми кўпайганини таъкидлаб ўтди. Даромадларнинг ошганини комсомолга кенг мисфода капитал қурилиш ишларини авж олдириб, ҳисобот даврида комсомол маблағларидан қарийб 33 миллион сўмини шу ишларга сарфлаш имконини берди. Қримда ва Кавказда, Арманистонда, Латвияда ҳамда бошқа бир қанча област ва республикаларда ёшларнинг халқаро туристик лагерлари қурилди ва ишлаб турибди. Артекеда «Морской» пионер лагерини, Москвада «Юность» ва Ленинградда «Дружба» ёшлар туристик базалари мундтадидан олдин фойдаланишга топширилди. Янги туристик базалар ва лагерлар ёшларнинг дам олишнинг уюштиришда қўшимча имкониятларни таъминлаётганлигини кўрсатди. Мамлакатларидан келган ташкилотлар билан дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга таъин ҳам кўпроқ ердан берилди. Пионер ташкилотининг 40 йиллиги шарафига болаларга туфха қилиб, Москва Пионерлар саройи қуриб битказилмоқда. «Молодая гвардия» нашриётига қарашли янги полиграфия комбинатининг цехлари тез орада ишга тушади.

Союз ичида интизомни янада мустаҳкамлаш ва комсомолда ташаббускорлик асосларини кенгайтириш, дейди М. Муллаева,

ВЛКСМ бюджетини кўпайтириш учун янги резервлар беради. Ҳисобот даврида ВЛКСМ Марказий Комитети комсомолда ташаббускорлик ва ишчанликни янада кучайтиришга алоҳида эътибор берди. Кўпчилик район ва шаҳар комсомол комитетлари ҳузурида комсомол ишига доир турли масалалар билан шугулланувчи ва жамоатчилик асосида ишловчи бўлимлар, комиссиялар ташкил қилинди, район ва шаҳар комсомол комитетларининг жамоатчилик асосларида ишловчи секретарлар сайлаб қўйилди. Бу аса комсомол аппаратидаги штатларни 28,3 процент кўпайтириш имконини берди. ВЛКСМ Марказий Комитети ва Марказий Ревизион Комиссияси област ва ўлка комсомол комитетлари, иттифоқчи республикалар ЛКСМ Марказий Комитетлари ёшларни жамоатчилик асосларида ишловчи активроқ жалб қилмоқда, дейди ҳисоблайди.

Ҳисобот даврида комсомол ташкилотларини ташкилий-сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлаш, уларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш, ВЛКСМ аъзоларини ҳисобга олишнинг яхшилаш соҳасида катта ишлар қилинди. ВЛКСМ аъзоларини ҳисобга олиш яхши йўлга қўйилса, бу нарсга район, област,

республикадаги ҳамма комсомолларни актив иш олиб бориш учун тўртта ердан беради.

Доклады ВЛКСМ аъзоларини ҳисобга олишда жиддий камчиликларга йўл қўйган бир қанча комсомол ташкилотларининг шаънига танқидий мулоҳазалар айтилди.

М. Муллаева ҳисобот даврида ВЛКСМ Марказий Комитетига 50 миңдан кўпроқ хат келганини маълум қилди. Совет йилги ва қизлари меҳнатда нақадар жонкуярлик кўрсатиб, коммунизмни барпо қилаётганликлари замонавийнинг ана шу тўлиқланганлиги хўжиятларида ҳикой қилинади. Айна маҳалла йилги ва қизлар ўз хатларига кўноқ раҳбарларини принципал танқид қилмоқдалар, ишлаб чиқаришдаги камчиликларни, кўз-бўямачилик, виждонсизлик фактлари, янги техника ва материаллардан фойдаланишга жинояткорона муносабатда бўлиш ҳўжиятларини очиб ташламоқдалар. Шунингдек, комсомол ташкилотлари, район ва област комсомол комитетларининг ишдаги камчиликлар тўғрисида хатлар келиб турибди. Кўпгина хатларда қимматли тақлифлар айтилади.

М. Муллаева ревизион комиссияларининг ҳуқуқлари ва вазифаларини кенгайтиришга доир масалани қараб чиқиб, уларнинг зиммасига қабул қилинган қарорларни ҳамда юқори партия ва комсомол аъзоларининг қарорларини бажаришда комсомол комитетларига амалий ердан бериш вазифасини ҳам топширишни тақлиф қилди.

КОМСОМОЛ АЪЗОСИ — КОММУНИЗМ ҚУРИЛИШНИНГ АКТИВ ҚАТНАШЧИСИ

Делегатлар ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари В. А. Сапоженков Бутуниттифок Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзининг Уставига қиритилган қарорларни ҳақиқатда қандайдиган тинглайди.

Коммунистик партиянинг раҳбарлиги, — деди ўртоқ Сапоженков, — комсомолнинг ишида у кўлга қиритаетган ҳамма муваффақиятларнинг энг асосий гаровидир. ВЛКСМнинг кучи ва мустаҳкамлиги — унинг гоъий эътиқоди содиқлигидадир. Комсомол Ленинча яшаш, ишлаш, кураш олиб бориш ва ғалаба қилишнинг коммунистик партиядан ўрганмоқда. Шонли Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг сафларида бўлишни ҳар бир комсомол аъзоси ўзи учун энг буюк шараф деб билади. КПСС XXII съезди илгари сурган вазифалар комсомол ташкилотларининг фаолияти иш қатъиян яхшилаш ва янада тақомиллаштиришни, уларнинг жанговарлигини оширишни талаб қилди. Комсомол ишнинг ташкилий принциплари, форма ва методлари, узқуқсиз суратда ривожланиб,

практика билан бойитилиб, янги мазмун билан тўлдирилиб бормоқда, бу аса ВЛКСМ Уставада мустаҳкамлаб қўйилмоқда.

Ҳозир амалда бўлган Устав комсомолнинг 1954 йилда бўлиб ўтган XII съездида қабул қилинган эди. Шундан буюн орадан қанча йил ўтди. Ана шу йиллар мобайнида ВЛКСМнинг давлат, ҳўжалари ва маданий қурилишдаги роли ортиб, унинг обрўси бекиб қолди. Гоъий ва ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланди. Комсомол — союз ички демократиясини, танқид ва ўз-ўзини танқидни кенг авж олдиришга, ВЛКСМ аъзоларининг активлиги ва ташаббускорлигини оширишга қаратилган йўлни изчилик билан ўтказиб, ташкилотчилик фаолиятида янги тақриблар билан бойиди, ёшларнинг кенг оммаси билан алоқани мустаҳкамлади. ВЛКСМ жанжон Коммунистик партия, унинг жанговар штаби — Ленинчи Марказий Комитет теваарига ўз сафларини тагин ҳам маҳнамроқ жипслаштирди.

ВЛКСМ — Марказий Комитети

Устав проектининг КПСС янги Программаси ва Уставига мувофиқ равишда ишлаб чиқди, бу проект сўнгги вақтларда комсомол фаолиятида юз берган ҳамма ўзгаришларни акс эттиради. ВЛКСМ тузилишининг амалдаги Устава ифода қилинган асосий ташкилий принциплари ўзгармасдан қолади. ВЛКСМ Устави проектида белгиланганки, Бутуниттифок Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзини — кўпчилиги ижтимоий ташкилот бўлиб, илгор совет ёшларининг кенг оммасини ўз сафларида бирлаштирадиган.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА).

Баҳор... Нақадар гўзал ва дилрабосан! Ўлкамизни яшнаиб, қир-ўрларга дўхоба майсалар тушайсан, ранг-баранг гуллариинг билан дилларга ором йўллайсан. Қўшининг минг жилва билан дунёни нурга кўмади. Ҳар ёғочга дилбос қийғишининг, мулоимин ва илқ бўлсанг билан гўнчани ёриб гул очининг, қора туپроқдан гул ундириб, оддий япроқдан мева яратининг мўъжиза эмасми!

Гул ва дарахт экилган; ариқ қазиб, сув оқизилган ҳар бир ҳовли ва ёғда, ҳўёбон ва майдонда, кўча ва паркида шу кечак, кундузда баҳор ҳўси янгила қилиб, қўзларни қамаштиратир. Бултур ерта баҳорда гайрат билан ободончилик ишига кўл урган кишилар ҳозир фусундор баҳор табассумидан маст.

Шаҳар ва қишлоқларимиз, қадрдон Тошкентимиза кўз ўнгимизда кун сайин ўзгариб, гўзал қиёфага қираётир. Янги уй-йўқ массивлари, азамат санюат корхоналари, турли-туман маданий-маданий муассаса бинолари қад кўтармоқда, янги-янги қўчалар бунёда келатир. Аммо боғдорчилик ва мевачилик, қўчаларнинг ишлари ободончилик ишлари област ҳўжаларининг гурираб ўйинчидан орқада қолмоқда. Обастда, жумладан Тошкент шаҳрида серсус, офтобру, аммо барини нов-нўқоллар безатмаган ва озода тутилмайдиган ерлар, гўча ва ҳўвиллар ҳали ҳам бор.

Баҳор қўли гул инсонини қўчаларлаштириш ва ободонлаштириш ишларига чорлайди. Ҳозир қўчаларлаштириш ва шаҳар-қишлоқларни санитария жиҳатидан тозалашнинг, обод майдонлар барпо қилишнинг гайнмат пайти. Яшаб турган ҳўлимиз ва каттаб юрган қўчаларимизнинг — соя-салгин, гўзал, оромбахш ва озода бўлиш ўз гайратимизга боғлиқ.

Ўз яшаб турган жойини озода тутиш ва қўчаларимиз қи-

Меҳнат совгалари

Совет Иттифоқининг меҳнаткашлари! Бутун куч КПСС XXII съездининг тарихий қарорларини, коммунистик жамият қуришнинг улғ Программасини амалга оширишга қаратилсин! Коммунизм ғалабаси сари, олға!

(КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларидан).

ЎЗА ПАРВАРИШИНИ СИФАТЛИ УТКАЗАМИЗ

Еримизни ўз вақтида текислаб, ўғитга тўйдириб қўйганлигини таъкидлаб, бригадани аъзолари, тракторчилар ҳар бир соатини гайнмат билиб меҳнат қилдилар. Нақадар 7-8 иш кунини чигит экин тугалланди.

Ҳозир даламизга келсангиз меҳнатимизнинг илк натижасини кўрасиз. Дастлаб эккан ерларимизда чигит бир текис униб чиқа бошлади. Биз кўчатнинг нормал қалинлигида бўлишини таъминлаш учун зарур тадбирларни амалга оширмоқдамиз. Ҳамма майдон бирма-бир кўздан кегириб чиқилмоқда. Агар чигит унимай қолган ерлар аниқлангудай бўлса, бу ерларга уруғ ташлаб, кўчатни бутлаб оламиз.

Ҳосилдорлигини ошириш дастлабки кўздан кўзга парвариниш сифатли ўтказишга, ҳар тул гўзани кўздорчиликда асраб парварини қилишга боғлиқ. Ҳар йили ҳам шунга амал қиламиз. Шу туфайли ҳосилдорлик ортиб борапти.

Иил бошида биз гектаридан 31,5 центнердан ҳўсил топирамиз деб ваъда берган эдик. Мана, ҳозир чигитни экиб бўлдик. Ишнинг дастлабки натижаси ёмон эмас. Барча қарталарда чигит ернинг намини униб чиқмоқда. Агар парвариниш бўшаптимасак ҳўсил мўл бўлади.

Бригаданиз аъзолари КПСС Марказий Комитети майлоди Чақириқларини билад рух билан кўтиб олдилар.

«Қишлоқ ҳўжалик меҳнаткашлари! Қўчаларини экинни, экинларини парварини қилиш ва ҳўсилни йилги-териб олишнинг намунасини ўтказмоқ учун, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини етиштиришнинг илгининг ўзидаёқ анча кўпайтириш учун умумхалқ мусобақасини кенг авж олдириш!» дейилди Чақириқларда.

Ана шу жанговар давлатга жавобан биз бригаданизда ўзаро мусобақани авж олдириб юбордик. Ўзани биринчи парвариниш чигитини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш учун ҳамма чораларни кўрмоқдамиз. Бригаданизнинг Кўмирхон Қамарова, Тўхта Латипова, Тош Жўраев, Самад Ҳамроев, Ашур Холлов ўртоқлар каби аъзолари майлоди мусобақасида пешқадамлик қилмоқдалар.

Ж. БАДАЛОВ,
Сирдарё районидан Карл Маркс номи колхозининг бригадари.

МЎЙНАСОЗЛАР ЖАВОБИ

Тошкентдаги кўн-мўйна заводи коллективи биринчи кварталда яхши кўрсаткичлар билан ақунлади: белгиланганидан ташқари 10 миң сўмлик кўн-мўйна маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

КПСС Марказий Комитетининг майлоди Чақириқларидан илҳомланган завод коллективи аришилган бу муваффақиятини янада мустаҳкамлашга ҳаракат қилаётир. Айниқса, мўйна цехи ишчилари ажойиб меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар. Улар кўнлик дондор тикувчи Татьяна Карлаш изидан бориб, 7 соатлик топириқни 6 соатда бажариш учун ҳаракат қилмоқдалар. Т. Боймұхамедов, С. Мадалиев ўртоқлар бошлиқ бригадаларининг аъзолари кўнлик нормани 115-120 процентдан бажариб, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришгапти.

Шунингдек пойафзал цехи ишчилари ҳам социалистик мусобақа пешқадамлари сафига қираётирлар. Ҳар иккала цех коллективини йиллик топириқни 25 декабрга адо этиш мазасидан социалистик мажбурият олиб, фидокорлик билан меҳнат қилмоқда.

М. ЖАҲҲАРОВ.

ЧАҚИРИҚДАН РУҲЛАНИБ

Жанжон партияимизнинг майлоди Чақириқларида: «Ўртоқ колхозчилар ва совхоз ишчилари! Совет халқига кўпроқ гўшт, сут, ёғ, туҳум ва бошқа маҳсулотлар бериш сизнинг бурчиңиздир. Жанжон чорвачилигини бутун чоралар билан ривожлантирингиз, чорва моллар маҳсулдорлигини оширингиз!» дейилган. Бу сўзлар Чиноз районидан «Партия XXI съезди» колхозининг чорваларини ҳам янада гайрат билан меҳнат қилишга руҳлантириб уларнинг кучига-куч, гайратига-гайрат қўшди. Колхоз чорваларини совдиқларини

мехр билан парвариниш, улардан ҳозиргача 2900 беш ўринга 3129 беш кўн олдилар ва бу соҳада берилган планини 106 процент бажардилар. Чўпонлардан Ж. Қўноев, Н. Гильбеков ва П. Мусаев ўртоқлар кўн олишда яхши натижаларга эришилдилар. Колхоз чўпонлари КПСС Марказий Комитетининг майлоди Чақириқларига жавобан социалистик мусобақани янада авж олдириб пландан ташқари яна 470 беш кўн олишга аҳд қилдилар.

М. ЮСУПОВ.

ЯНГИЙЎЛ БОШҚАРМАСИ ЧИГИТ ЭКИБ БЎЛДИ

Янгийўл колхоз-совхоз территориясидан ишлаб чиқариш бошқармаси қишлоқ ҳўжалик меҳнаткашлари мўл ҳўсил учун курашда дастлабки ютуқини қўлга киритдилар.

Бу ерда чигит экин плани ортиги билан бажарилди. Ҳар бир қўлай фурсатдан унумли фойдаланган колхозчилар 15 миң 668 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экиб, бу соҳаданги планини ҳам муваффақиятлан адо этдилар.

Чигитни ўз вақтида ва юқори агротехника мундтадларида экиб олишда Янгийўл райониданги «Ленин» ва «Свердлов» номи колхозлари, Қўйи Чирчиқ райониданги «ҲўзССР беш йиллиги» совхоз, Юқори Чирчиқ райониданги «Правда», «Политотдел», Чиноз райониданги «Қишлоқ Октябрь», «Октябрь» 40 йиллиги сингари колхозлар айниқса яхши натижага эришдилар. Ҳозир бу ҳўжаларнинг далаларида чигит бир текис униб чиқа бошлади.

КПСС Марказий Комитети майлоди Чақириқлари тақдирларини дастлабки эришилган ютуқини мустаҳкамлашга ундамоқда. Пастаюрлар қўлай фурсатдан фойдаланиб, гўза парвариниш бошлаб юбордилар.

БУТУН КУЧ МАЖБУРИЯТНИ БАЖАРИШГА

Сирдарё колхоз-совхоз территориясидан ишлаб чиқариш бошқармасининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети рансининг ўринбосари ва Ўзбекистон ССР қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини етиштириш ва тайёрлаш министри Х. Ёргашев ва област партия комитетининг секретари С. М. Веселов ўртоқлар қатнашдилар.

Мажлисда КПСС Марказий Комитети март Пленуми ва территориял колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармаси олдидан турган вазифалар ҳақида ўртоқ Х. Ёргашев доклад қилди. Шунингдек, мажлисда Сирдарё колхоз-совхоз бошқармаси бўйича чигит экиннинг бориши ҳақида ўртоқ С. М. Веселов сўзлади. Област партия комитетининг партгорни ўртоқ Ҳўжаев колхоз-совхозларда олиб бориладиган дастлабки ишлар ҳақида гапириб берди.

С. ХУДОЙБЕРГАНОВ,
Я. МИРЗАЕВ.

ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ ОБОД, ОЗОДА БЎЛСИН!

лиш инсоннинг энг яхши фазилати. Гул экиб, дарахт кўчатириш, кўча ва ҳўвилни, оқар сувни озода тутишни халқимиз хайрли иш деб бечиз айтмаган. Обастимизнинг шаҳар ва қишлоқларида яшаб, меҳнат қилаётган ҳар бир киши. Тошкентнинг суви ва ҳўвосидан баҳраманд бўлаётган ҳар бир гайндан яхши ният билан дарахт эки гул экиб кўчатириш, озодаланиб санитария қондаларига риоя қилса бориш, ёқ ўлкамизда яшил яроқ океанига айланади, агрофимиз доим озода, табиятлик бўлиб туради. Шунинг учун бу хайрли ишга кенг омман жалб қилиш ободончилик ишларини жамоатчилик асосида авж олдириб юбориш керак.

Бу соҳада Тошкент шаҳар Октябрь району меҳнаткашларида урғак олса арияди. Районда ободончилик ва қўчаларлаштириш ишига жамоатчилик асосида ҳўсса қўшаётган бирорта маҳалла экин ташкилотини уратмайсиз. Ҳар яшанба кун район маҳаллаларига борган киши қизғин шабаблиқлар устидан чиқади. Обастимизнинг Бўстонлик ва Бекобод районларида, Олмалик ва Чирчиқ каби шаҳарларида ҳам ободончилик ишлари бир мунча яхши йўлга қўйилган.

Аммо, умуман обастда ва Тошкент шаҳрида ободончилик ишлари қонқарли аҳволда эмас. Поштахнинг Киров ва Куйбисев районидан айрим қишлоқлар ҳамда корхўналар территорияларида давлат маблаг ҳисобидан ҳар йили экинладиган дарахт кўчатлари жамоатчиликнинг бепарволиги натижасида қаровсизликдан қуриб қолмоқда, синиб нес-нобуд

бўлаётир. Шунингдек, бу ерларда территория ҳам озода тутилмайди. Шунга ўхшаш ачинади аҳволни Пискент, Юқори Чирчиқ ва Чиноз районларида ҳам учратиш мумкин. Бу районларда ўтган йили кузда ўтказилган дарахт кўчатларининг қарийб 60 проценти қўн бўлиб кетди.

Бу йил кўчаларнинг барвақт исиб кетганлиги туфайли обастимизнинг шаҳар ва қишлоқларида, жумладан Тошкентда жузда кўп мевали ва соя берувчи дарахт кўчатлари экинди. Эндики вазифа ана шу ниҳолларни ёз бўли меҳр билан парварини қилишдан иборат. Миришкор некса отахонларимиздан тортиб, оддий ишчи, колхозчи, хизматчи, комсомол ва пионергача, қўчал буютун жамоатчилик яшил бойлигини кўз қорачингдек авайлаб сақлаши керак.

Тошкент шаҳар ижроия комитети шу йил 20 мартдан 20 апрелгача шаҳарин санитария жиҳатидан ободонлаштириш ва тозалаш йиллигини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. Шу қарорга мувофиқ пойтахтни озода тутиш ва обод қилиш юзасидан шаҳар ижроия комитетининг бўлими ва бошқармалари, район коммунал ҳўжалик бўлимлари, корхўна ва муассасалар, маҳалла комиссиялари ва уй бошқармалари ободончилик юзасидан ачинача ишларни қилдилар.

Кези келганда шунини айтиш керакики, ҳар йили қўчал ойларида ўтказиланган ободонлаштириш ва шаҳарин санитария жиҳатидан тозалаш компаниясидагина қизгин иш олиб борилади-ю, сўнгга бу муҳим масалага эътибор қўйсатириб юборилди. Шаҳар «Саночистна» трести ўз иштирокида

транспорт воситаларидан унумли, мақсадга мувофиқ фойдаланмайди. Агар шаҳардаги ташкилотлар ва санюат корхўналарининг раҳбарлари, кенг жамоатчилик ободончилик ишига кишин-ёани бирдек жиддий эътибор берсалар, пойтахтимиза ҳўсига доғ бўлиб тушадиган нуқсонларга ўрин қолмайди.

Биз ҳаммамиз Тошкентни яхши кўраемиз, севамиз. Ленин шаҳарини турист муҳаббати билан севиб бошқая, уни обод, озода ва яна ҳам гўзал қилиш, да бевосита иштирок этиш бошқа. Ўз шаҳрининг ҳақиқий ватанпарварини бўлган ҳар бир киши уни чинакам обод ва юксак маданиятнинг жойига айлантириш учун жон кўйдириши керак. Серуатон кўча ва тро-туларга ҳар хил қиңиқларларни қиңиқиб ташлайдиган, оғар сувни булгайдиган бепарқ кишиларни жамоатчилик тартибга қиңиқари, уялтириш, танбех бериши зарур.

Шаҳарларини янада обод қилиш ва озода тутиш меҳнаткашларининг унумли меҳнат қилиши, соғлом ўсиши, яхши дам олиб, маданий ҳаёт кегириши билан боғлиқ бўлган муҳим ишдир. Шу сабабли бу масала шаҳардаги барча партия, совет, комсомол ва насаба союз ташкилотларининг, корхўна ва муассасалар раҳбарларининг, кенг жамоатчиликнинг ҳар доим диққат марказида туриши зарур. Ободончиликка ақратилган маблағлардан тўла фойдаланиш, аҳоли ўртасида ташкилотчилик иш олиб бориш, ҳамма жойда ҳар кунини ҳар соатда озодаланиб ва юксак санитария маданияти учун кураш тегишли ташкилот раҳбарлари ва тошкентлик ҳар бир меҳнаткашнинг гайнданлиги ва виждон бурчидир.

Обастимизнинг шаҳар ва қишлоқларини бундан ҳам гўзал, шинам, обод қилиш ва озода тутиш ўз қўлимизда. Келинг, ҳаммамиз бу ишга тенг энг шимарайлик!

М. Комлев фотоси.

Е. А. БЕЛОВ,
«Сельмаш» заводчининг
директори

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
3-БЕТ 18 АПРЕЛЬ 1962 ЙИЛ

ТАНКИД ВА ТАҚРИЗ

Матбуот тарихига оид асар

Совет халқи шу йил 5 майда «Правда» газетасининг 50 йиллигини нишонлайди. Шу муносабат билан Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти ақинда тарих фанлари кандидати Тўғон Эрнзаровнинг «Ўзбекистонда матбуот ва совет матбуоти» деган китобини нашр қилди.

Бу асар авторнинг «Туркистонда вақтнинг матбуоти (1870—1925 йиллар)» номли китобининг давомидир. Китоб Ўзбекистонда матбуот ва совет матбуотининг ривожланиши тарихини (1926—1941 йиллар) ҳақида ҳикоя қилади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда ҳам совет матбуотининг ривожланишида «Правда» газетасининг таъсири зўр бўлди. Ленинчи «Правда» туфайли республикада миллий нашриёт шаклланди ва кенг ривож топди.

Хавфли вақтда Совет Иттифоқи китоб нашр қилишда дунёда биринчи ўринни эгаллаб турипти. Мамлакатимизда ҳар сутунда 3 миллион нуска китоб чикарилади, ҳар минутда 2 минг нуска китоб босмадан чиқади. СССР да етти йиллик охирига бориб йилга 1.600.000.000 та китоб чикарилади бўлади. Бу китобларни тизиб, ер курагани экватор бўйлаб 7 марта айлантириб ўраб олиш мумкин.

Совет Ўзбекистонини ҳам 1965 йилга бориб 27 миллиондан ортиқ нуска китоб нашр қилади.

Автор ўз китобининг муқаддима қисмида В. И. Лениннинг болшевик матбуоти бағлан классик таъриф ва баҳоларини келтиради. «Правда» газетасининг ташкил топиши, совет матбуотининг ривожланиши тарихи ҳақида фикр юртади.

Т. Эрнзаров. «Ўзбекистонда матбуот ва совет матбуоти». Ўзбекистон. Тошкент. 1962 йил.

КЕЧАГИ

ХАЛОЛ МЕХНАТ ОРҚАСИДА

Янгидаги «Коммунизм» колхоз меҳнатчилари ҳалол меҳнат орқасида тўқ ва маданий ҳаёт кечирмоқда. 1961 йили меҳнатнинг натижалари яхши бўлди. Қўшма колхозчилар ўз меҳнат жамғирмаларидан телевизор, мотоцикл каби қimmatли буюмлар сотиб олдилар. Ўзларнинг орқасидан хўш ҳис қилишмоқда. «Коммунизм» ва «Волга» енгил машинасига эга. Мотоцикл эгаларининг сони эса қўшма ортиб кетди. Халол меҳнат орқасидан фаровон бўлаётган турмуш колхозчиларини анда унутмай ишлашга илҳом қилмоқда.

Г. ЮСУПОВ.

ТЕХНИКА ЯХШИ САҚЛАНДИ

Калинин районидаги Навоий номи колхозда янги сараж қурилиб, фойдаланишга топширилди. Эндиликда бу ерда машина, трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик техникалари яхши сақланмоқда. Техникани ремонт қилиш ишлари ҳам шу ернинг ўзига бағишланган.

КИНОТЕАТР КОНТРОЛСИЗ ИШЛАМОҚДА

Тошкентдаги «Дружба» кинотеатри тамошабинларга маданий хизмат кўрсатишни тобора яхшиламоқда. Яқинда бу кинотеатр контролсиз ишлашга кўчди. Тамошабинлар нассадан олгани билан «Контроль» деб ёзилган қисмининг ўзлари йиғилиб, белгиланган ашқига ташлайдилар. Кинотеатр контролсиз ишлаётганига қарамай, фойеда ҳам, тамошалар залида ҳам намунали тартиб мавжуд.

М. ТИЧЕНОВ.

БРИГАДАДА АСАЛАРИЧИЛИК

Оржоникидзе районидagi Свердлов номи колхознинг ўртоқ Юсуп Рўзиев бошлиқ 12-бригадасида сабзавот ва бодирчилик маҳсулотлари еттиштирилади. Яқинда бригадда асаларичилик ҳам йўлга қўйилди. Бригада аёллари бу йил шаҳар меҳнатчилари учун 625 тонна сабзавот, 90 тонна узум, 10 тонна олма ва 13 қўти асаларидан 100 килограмм юқори сифатли асал етказиб бериш мажбуриятини олдилар. Ҳозир улар ўз аҳдларининг устидан чиқиб янги гайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

И. РЎСТАМОВ.



Тошкентдаги 3-автотранспорт пассажир автобуси ҳайдовчиси ўртоқ М. Абдураҳмонов энг яхши шоферлардан ҳисобланади. У ҳайдайдиган машина вақт озода бўлади, йўлда равон юриди. Ўз касбига меҳр қўйган бу йилги капитал ремонтсиз 150 минг километрга яқин масофани босиб ўтди. М. Абдураҳмонов бригадирлик қилаётган тўрт кишидан иборат автобус экипажи коммунист меҳнат коллективининг номини олган.

Сурада: ўртоқ М. Абдураҳмонов йўлга чиқиб олди.

Ш. Исроил. Фотоси.

Янги мактаб интернатлар

Республиканинг пойтахтида, Тошкентда, ортиқ бола тарбиялаётган шаҳар мактаб интернатлари янги мактаб интернатларга айланди. Бу ерда мактаб интернатлари янги мактаб интернатларга айланди. Бу ерда мактаб интернатлари янги мактаб интернатларга айланди.

М. ЗАРИПОВ.

Тошкент янгиликлари

„Правда“ газетасининг 50 йиллиги шарафига

16 апрелда Тошкентда ишчи мухбирларнинг «Правда» газетаси 50 йиллигига бағишланган шаҳар слети бўлди. Тошкент шаҳар партия комитетининг ва Ўзбекистон Журналистлар союзи шаҳар бўлими бюросининг таклифига мувофиқ завод кўп тиражли газеталарнинг, деҳқон газеталарининг юзлаб вақиллари, ишчи ва ҳарбий мухбирларнинг ўқувчилари, маданият уюшмалари, деҳқончилик уюшмалари, ишчи мухбирларнинг вакиллари «Правда» газетаси редакторининг ўринбосари И. К. Костиков доклады килди. Селта сўзга чиққан ишчи мухбирлар «Правда» газетасининг гойат оммавийлиги ҳақида, ишлаб

чиқариш коллективлари юбилейга таъбирлаётган меҳнат соғатлари тўғрисида гапирдилар. «Правда» газетасининг 50 йиллиги муносабати билан актив ишчи ва ҳарбий мухбирларнинг бир гуруписига слетда Ўзбекистон Журналистлар союзининг ёрлиқлари, шунингдек Ўзбекистон комсомол Марказий Комитети ва Ўзбекистон касабасоюзлари совети президиумининг ёрлиқлари топширилди.

Слет катнашчилари республиканинг барча ишчи ва ҳарбий мухбирларига мурожаат қилиб, КПСС XXII съезди қарорларини амалга ошириш учун кураш байрогини янада баланд кўтаришга чақирдилар. (ЎЗАТА).

РЕСПУБЛИКАЛАРА УЛГҲРЖИ САВДО ЯРМАРКАСИ

Темирйўзчилар Маданият саройида савот молларини сотиш учун ушбу савдо ярмаркаси очилди. Республикаларо ярмарка Ўзбекистон ССР Савдо министри ва «Ўзбекистон» томонидан ташкил этилди. Ярмаркада Ўзбекистон, Украина, Тожикистон, РСФСР, Туркменистон, Қозғқистон, Қирғизистон каби республикаларнинг ва Вошқирдистон, Татаристон, Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик республикаларининг давлат савдо ташкилотлари, маҳаллий давлат савот корхоналари, матбуот кооперациялари катнашмоқда.

Бу ярмаркани ташкил этишда мақсад жойларда аҳолининг турли савот молларига бўлган талабини қондиришдир. 16 апрелда очилган ярмарка бугун ёпилади. Ушбу савдо жуда яхши ўтапти. Ҳаммаси бўлиб ўзро 50—60 миллион сўмлик моллар сотиб мулкйланмоқда.

Н. ОМОНОВА.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ТАСВИРИЙ САНЪАТ ҲАФТАЛИГИ

Ўзбекистон рассомлар Союзи меҳнатчиларини эстетик жиҳатдан тарбиялашни кучайтириш учун республика санъатчиларининг ижоди билан таништириш мақсадида 15 апрелдан 22 апрелгача тасвирий санъат ҳафталиги ўтказишга қарор қилди.

Шу муносабат билан Тошкентда муҳим тадбирлар амалга ошириляптир. Оқруқ офицерлар уйи, «Электрон» заводи маданият саройида рассомлар асарларидан иборат катта тиставналар ташкил қилинди. Театр ва кино рассомларининг асарлари Тошкент темир йўл транспортини инженерлари институтига, тўқимачилик ва декоратив — амалий санъат вақилларининг ижодий намуналари рассомлар жамиятининг тиставналар залида, агитклал «Янговар қалам»нинг экспонатлари Революция скверига, китобларга ишланган иллюстрациялар Навоий номидаги халқ кутубхонасига намойиш қилинмоқда. Тиставналар ташкил қилинган жойларда санъаткорлар билан шаҳар меҳнатчиларининг учрашувлари бўлиб ўтмоқда. Бу учрашувларда рассомлардан Э. Калонтов, Н. Раҳимов, В. Рифтин, Р. Ливинский, Д. Ушаков, И.

Валденберг, К. Чепраков ўртоқлар катнашдилар. Ўзбекистон давлат санъат музейига қўйилган экспозициялар ҳам диққатга сазовордир. Бу ерда савот корхоналарининг ишчилари рассомлар билан учрашди.

Бундан ташқари республикамиз рассомлари 2-мактаб интернатда, кинотеатрда, тўқимачилар ва темирйўзчилар маданият саройларида, Островский номидаги пионерлар саройида, театр ва рассомчилик институтига учрашувлар ўтказишди. Канон фабрикаси ишчилари учун ояқ эшиклар кўни ўтказишди. Ишчилар Р. Тагировнинг «Совет санъати усталари» темасидаги лекциясини эшитадилар ва республика рассомларининг асарлари билан танишдилар. Учрашувлар ўтказиляётган жойларда «Ўзбекистон рассомлари» номи кинофильм кўрсатилямоқда. Шунингдек, ҳафталик давомида кинотеатрларда одатдаги сеанслар бошланиши олдидан рус классик ва совет рассомларига бағишланган қисқа метражли фильмлар кўрсатиляптир.

Ҳет Эмларда Нима ган

18 ЛАР КОМИТЕТИДА

ЖЕНЕВА, 16 апрель. ТАСС махсус мухбири А. Кислов хабар беради: Бутун Эфиопия делегациясининг раислигида 18 давлат комитетининг йиғирма биринчи ялпи мажлиси бўлди.

Мажлис бошлангичи билан СССР вакили В. А. Зорин сўз олди. СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг Буюк Британия буюк министри Г. Макмилланга юборган жавоб мактубини комитет аъзоларига ўқиб берди.

Шу муносабат билан совет вакили ўқитиб айтдики, Н. С. Хрушчевнинг мактубида қуролсизланиш кенгаширининг бутун иши учун гойат катта ва принципиал аҳамиятга эга бўлган масалалар ҳақида гапирилди. Совет вакили бу мактубни 18 давлат комитетининг расмий ҳужжати тариқсидан нашр этишга илтимос қилди.

Сўнгра Англия ва АҚШ делегациялари сўзга чиқиб, Совет ҳукумати бошланиши мактуби комитет аъзоларида қолдириган катта таассуротни қайтаришга уриндилар.

Бразилия вакилига сўз берилди. У, қуролсизланиш билан шуғулланган 18 давлат комитетининг ишда қатнашувчи барча қўшма мамлакатларнинг делегациялари номидан, яъни Бирма, Бразилия, Хиндистон, Мексика, Нигерия, Вьетнамга Араб Республикаси, Швеция ва Эфиопия вакиллари номидан гапириб, ядро қурол синавларини тўхтатиш масаласига доир меморандумни комитет аъзоларининг муҳокамасига тақдим қилди.

Сўнгра Англия, Италия, ва АҚШ вакиллари қисқа баёнот бериб, бу ҳужжатни чуқур ва жиддий ўрганишга ҳамда бу ҳужжат ҳақида дарҳол ўз ҳукуматларига хабар беришга ватда қилдилар.

СССР вакили В. А. Зорин сўзга чиқиб айтдики, бетараф мамлакатлар ядро қурол синавларини тақиқлаш тўғрисидаги музокаларини тўхтат қолган жойдан силжитишга интилиб, натижада шу меморандумнинг тақлид қилдилар. Ядро қурол синавларини тўхтатиш масаласига доир бу меморандумни Совет ҳукумати жуда эътибор бериб ўрганиб чиқади.

Сўнгра В. А. Зорин комитетда қабул қилинган иш тартибига амал қилиб, ёппасига ва батамом қуролсизланиш тўғрисидаги тузилган битимнинг навбатдаги бобини кўриб чиқишга ўтиш керак, деб тақлиф қилди.

В. А. Зорин, Совет ҳукумати қуролсизланиш устидан энг қатъий ва мустаҳкам халқаро контроль ўрнатишга астойдил тарафдор эканлигини таъкидлаб, бундай деди: Совет Иттифоқининг контроль масаласидаги позицияси шундан иборатки, биз ёппасига ва батамом қуролсизланиш ҳамма виқидон ва ҳалол амалга ошириш тўғрисида, ҳеч бир давлат қуролсизланиш соҳасида ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажаришдан бўйин товламаслиги ҳақида шартнома қатнашчиларда қатъий ишонч туғдиришга интиломоқдамиз. Шу билан бирга, деди В. А. Зорин, Совет ҳукуматининг бошлани Н. С. Хрушчев неча мартаб ташутириб ўтганидек, агар Фарб давлатлари ёппасига ва батамом қуролсизланиш тўғрисидаги совет тақлифларини қабул қилсалар, Совет Иттифоқини Фарб давлатларининг қуролсизланиш устидан контроль ўрнатиш тўғрисидаги ҳар қандай тақлифларини қабул қилишга тайёр.

Биз, деди пировардида совет вакили, қуролсизланиш проблемасини ҳал қилишга астойдил интилоётганларнинг ҳаммасига бизнинг ёппасига ва батамом қуролсизланиш устидан контроль ўрнатиш ҳақидаги тақлифларини асосан маълуф бўлади, деб унинг қилиши. Ҳамма битимга қилишга астойдил интило, контроль масаласидаги бамаслаҳат бир фикрга қилишимиз қийин эмаслигига аминимиз.

Шу билан бугунги мажлис асосан тамом бўлди.

Пропедагга доир бироз давом қилган мунозаралардан кейин 18 давлат комитетининг эндики мажлисини эртага ғвтаб ўтказишга қарор қилинди.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ»

4-БЕТ, 18 АПРЕЛЬ, 1962 ЙИЛ.



Германия Федератив Республикаси. Атом билан қуролланишга қарши бўлган кишиларнинг пасхал юришини ўтказувчи Зальцгиттер комитети шаҳар кўчалари бўйлаб катта намоёншлар ўтказди. Бу намоёншлар Бонн ҳукуматининг мамлакатини атом билан қуроллантиришга қаратилган сенисига қарши традицияга айланган норозилик юришига аҳолини актив қатнаштириш мақсадида уюштирилди.

Центрбильд—ТАСС фотоси.

Америка вертолетлари ва солдатлари Жанубий Вьетнамда

НЬЮ-ЙОРК, 16 апрель. (ТАСС). АП агентлигининг мухбири Сайгондан хабар беради: Бутун Американинг «Н.34» типдаги 16 та вертолет ва Америка деңиз пилотларининг 400 офицери ва солдати Меконг дарёси эътидаги Соқ-Транг шаҳарчасига келди.

Бу — Жанубий Вьетнамга келган Америка вертолетларининг тўртинчи бўлимасидир. Жанубий Вьетнамда ногўнлимсиз кишилар вертолетлардан ватанпарварларга қарши курашда фойдаланмоқдалар.

ДОРИХОНАЛАРДА КЎРГАЗМАЛАР

Тошкент дорихоналарида Чехословакия, Венгрия, Германия Демократик Республикаси фармацевтика саноати ишлаб чиқарган шифобахш дори-дармонлар системали равишда келтирилиб туради. Бу мамлакатлардан олиняётган гидрокортизон, валокордин, реоприн, вирапин, винокетан, бубарбон ва бошқа дори-дармонлар шифобахш билан шухрат қозонган. Пойтахтимизда 3-, 8-, 12-, 254- ва бошқа дорихоналарда қардошларимиз ишлаб чиқарган шифобахш препаратлар кўргазмаси ташкил этилди. Бу кўргазмаларга қўйилган аjoyиб дори-дармонлар совет халқи билан халқ демократияс мамлакатлари халқлари ўртасида кун сайин ривожланиб бораётган дўстлигининг ёрқин далилидир.

М. УСМОНОВ.

Энди кафилликка олиш мади

Қора студла бошини эгиб, йиғиланлардан қўзини яшириб ўтирган бу йилги яхшиликка ёмонлик қилди. Тиллов Норқуллов ўтган йили колхоз омирбондан бир арава азот ўғитини ўғирлаб, шолкорларга пуллаётганда қўлга тушиб, шарманда бўлган эди. «Октябрь 40 йиллик» колхоз аъзолари «Тиллов ҳали ёш, уни ўзимиз тарбия қилиб оламиз» деб халқ судидан илтимос қилдилар. Оқўрғон район халқ суди ҳам қолқозилар илтимосини қондириб, Т. Норқулловни қамқо жазосидан озод қилди.

Лекин қўп ўтмай Т. Норқулловнинг ўрсанган қўли яна ўртана бошлади. У колхоз аъзоси Эраббой Мусуров уйига ўғирликка тушди. Сўйга ўш қилотини яшириш мақсадида Қўли Чирчиқ район Солдатский қишлоғига қочиб кетди.

Қўли эгри Т. Норқулловнинг тез кунда минс чиқиб қолди. Колхоз аъзолари ўз ишончларини оқламай, коллектив юзига оқтиратган бу қилотинга жазо бериши халқ судидан илтимос қилдилар.

Оқўрғон район халқ суди Т. Норқуллов устидан қўзғотилган жиноий ишчи ояқ суди мажлисида қўриб, уни 2 йил озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилди.

А. АБДУЛЛАЕВ,

район халқ суди секретари.

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

ТУСУНЖОНДАН ҲАММА ХУРСАНД

— Умар ота, эрта билан наёнка йўл олдингиз? — сўради отадан кўча бошида турган Абдуваҳоб.

— Ўғлим Турсунжоннинг олдида бир бориб келай.

— Ўғлингиз сиздан бошқа турадими?

— Радио ва соат тузатишга устхонада бир хушфезл ҳоҳатбарор йилит ишлайди. Исми Турсунжон. Кекаларни жуда ҳурматлайди, олдида бориб қолгудек бўлсан ўз ўғлингиз парвона бўлади. Учамунча ишга, барака топкур, ҳақ олмайд.

Умар ота кўлидаги приёмник билан Тошкентнинг Шайхантаур прооектига жойлашган 29-устахонага етиб келди. Устахона мастери Турсунжон Қомилдор дарров отанинг қўлидан приёмникни олиб, унга ўтириш учун жой кўрсатди.

— Ўзингизни овора қилибсиз-да, отахон. Болаларни юборганингизда, ўзим гир етиб кириб чиқардим.

— Кекурун туппа-тузук гапириб турган эди, бирдан овозини чимқай қолди. «Касали» қарайди деб, олиб келдим.

Турсунжон приёмникни яқини очган эди, қорайиб кетган лампочкага қўзи тушди. Қўйган лампочка ўрнига янгиисини қўйиб, приёмник қўлғини бурган эди, дикторнинг овози янграб кетди.

— Мана, отахон, энди бемалод эшитаверасиз, лампочка учунгинага ҳақ берсангиз бўлади.

Ўз касбининг устаси бўлган бу гайратли йилит Тошкент шаҳар ижроия комитети маийши хизмат кўрсатиш бошқармасига қарашли мажор устхонада 8 йилдан бери ишлайди. У, бузилиб қолган радиопрёмникни аа телевизорларини тез ва сифатли ремонт қилиши, устхонада келувчилар билан яхши муомала қилиши туфайли қўшчиларнинг ҳурматига сазовор бўлди. Турсунжонни шу атрофдаги кекалар ўз фарзандларидек яхши кўришди.

Турсунжон Қомилдорнинг касбдош дўстлари Михаил Шмерлер ва Абдусодиқ Розиков ҳам ҳалол меҳнат туфайли аҳоли ўртасида яхши обрў ортиришган. Устахонада ўтган йилги план 11 ойда бажарилиб, Ойлик ва йиллик топириқларни ошириб бажариб, аҳолига яхши хизмат кўрсатаётган бу қўли гул ҳунармандларини бошқармасига қарашли «Промкомбинат» дирекцияси мукофотлар билан тақдирлаб туради.

М. МАҲКАМОВ.

КОЛХОЗ СТАДИОНИ


Эрта Чирчиқ районидagi Қўйбаш номи колхоз правлениеси стадион қуриш ишчи жой ва маблағ ажратди. Комсомол-ёшлар кучи билан ақинда стадион қуриб битказилди. Бу ишда мактаб йўувчилари ҳам катта ёрдам кўрсатдилар.

А. РАЗЗОҚОВ.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

НАВОИЙ номи (эрталаб соат 11.40 минут, кундуз 1 ярим ва кеч 7 да). «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

1962 ЙИЛ 1 МАЙДАН «МУШТУМ» ЖУРНАЛИНИНГ ҲАМ ЯНГИ ПЛАКАТЛАРИГА ОБУНА ҚИЛИШ БОШЛАНДИ



Бу плакатларнинг танқид ўти ҳаётимизнинг ҳуқуқ ҳодисаларига — кишилар онигаги катта гитализм сарқитларига қарши, техникхўрлар, дағасалар, яқинликбозлар, безорилар, бюрократлар, порахўрлар ва ҳоназоларга қарши қаратилади. Плакатларнинг тексти ўзбек ва рус тилларида бўлади. Шу йил май ойидан бошлаб ҳар ойда биттадан, йил охиригача рағли 8 та ҳажвий плакат чиқарилади.

8 плакатнинг обуна баҳоси — 80 тиын.

Обуна республиканинг барча алоқа бўлимлари ва контора-ларига, «Союзпечать» бўлимида, шунингдек корхона, фабрика, завод ва колхозлардаги жамоатчи обуна вақиллари ҳақида почтабонлар томонидан қабул қилинади.

Бирланган нашриёт.

«Бизнинг адрес»

Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Партия турмуши бўлими — 26232. Пропаганда ва совет қурилиш бўлими — 28761. Қишлоқ хўжалиги ва маҳаллий ахборот бўлими — 29040. Адабиёт ва санъат, маданият, савот ва транспорт бўлими — 33786. Селектарнат — 34808, 31936. Халқаро бўлими — 34043. Илгир тақрибларнинг пропаганда қилиш штатига бўлими — 25883. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутиатор — 26334, 33262, 30249, 30250, 30253.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон Сўрх» бирланган нашриётнинг босмахонаси.

Нашр, Г. — 1573.